



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2025 yil « 29 » январь

№ ПК-31

**Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий
хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатини
ўтаб бўлган муддатли ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар
резервига бўшатиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият
ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод
этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув
ёшидаги фуқаролари 2025 йилнинг март-апрель ойларида муддатли
ҳарбий хизматга чақирилсин.

Ҳарбий хизматга яроқли, шу жумладан, чекловлар билан яроқли
бўлган ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан
озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув даврида
Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига чақирилмайдиган
фуқаролар сафарбарлик чақируви резерви хизматида олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб
бўлган ҳарбий хизматчилар 2025 йилнинг март-апрель ойларида
Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилинсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар
ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари белгиланган тартибда:

Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқароларининг
ҳарбий хизматга чақирувини ўтказишда, шу жумладан, уларнинг
ўз вақтида мудофаа ишлари органларида ҳозир бўлишларини
таъминлашда мудофаа ишлари органларига ҳар томонлама амалий
ёрдам кўрсатсин;

муддатли ҳарбий хизматга янгидан чақирилган фуқароларни ҳарбий қисмларга тантанали равишда кузатиш, резервга бўшатиш фуқароларни яшаш жойларида тантанали кутиб олиш тадбирларини юқори савияда ташкил этсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри